

Алишер Навоийнинг форсий шеърятини бадииятда туркий шеърларидан қолишмайди. Унинг форсий назми хакидаги тўларок маълумот “Мухокамату-л-лугатайн” асарида учрайди. Хазрат Навоий бу асарида форсий тилда яратган шеърлари хакида гапирар экан, бу шеърларнинг жанрий жихатларига алохида тўхталади, уларнинг яратилиш хусусиятларига бирма-бир шарх беради. Хусусан, муайян шеърларини яратишда кайси форсиёв адибларнинг асарларидан илхомлангани, кайси шеъри нима муносабат билан ёзилганлигига махсус тўхталиб ўтади, хатто баъзи жанрларнинг миқдорини ҳам кўрсатиб ўтади.

Мукамал асарлар тўпламининг 18-, 19- ва 20-жилдлари “Девони Фоний”ни ўз ичига олади. Мазкур нашрда 552 газал, 1 мусаддас, 1 таркиббанд – марсия, 64 китъа, 72 рубоий, 16 таърих, 266 муаммо, 10 касида, 9 лугз каби жанрлардан ташкил топган 991 шеър мавжуд. Биз жанрлар тавсифини беришда мазкур нашрга суяндик.

Шарк мумтоз адабиётида тартиб берилган барча девонлар сингари “Девони Фоний”да ҳам марказий ўринни газал жанри эгаллайди. Девондаги газаллар *мухтараъ*, *татаббуъ*

ва

*тавр*

тарзида яратилган.

*Мухтараъ* арабча сўз бўлиб, “кашф этилган”, “ихтиро килинган” маъноларини англатади. Бу ўринда Навоий – Фонийнинг ўзга шоирлардан таъсирланмасдан, бевосита ўзи мустакил тарзда яратган газаллари назарда тутилади. Девонда улар

*мухтараъ*

ва

*ихтироъ*

сарлавхаси остида ҳам келтирилган.

*Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,*

*К-аз чафои мардуми олам набошад гам дар ў.*

Таржимаси:

*Олам истарманки, унда ахли олам бўлмасин,*

*Унда олам ахлининг бедодидин гам бўлмасин [\[1\]](#).*

Мазкур газал аруз тизимининг *рамали мусаммани махзуф* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  $V \square \square / \square V \square \square / \square V \square \square / \square V \square$  ) вазнида ёзилган.

*Татаббуъ* арабча “бирор нарсанинг кетидан тушиш”, “изидан бориш” маъноларини билдириб, адабий истилох сифатида бирор шеърдан таъсирланиб, ундаги вазн, кофия ва радифни саклаган холда асар яратишни англатади. Бундай шеърлар назира  
ўхшат  
,  
ма, жавобия деб ҳам юритилади.

*Тавр*

арабча “бирор нарса атрофида айланиш”, “тарз”, “йўсин”, “услуг” маъноларини англатади. Бундай шеърларда вазн, кофия ва радиф мезон килиб олинмайди, балки ўзга шеърдаги услуб ва мазмундаги шеърий талкинга риоя қилинади. Девондаги

аксарият газаллар Алишер Навоийнинг буюк форсий

*салафлари*

Амир Хусрав Дехлавий (32 татаббуъ, 1 таврида), Хожа Хофиз Шерозий (211 татаббуъ, 20 таврида), Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий (22 татаббуъ, 2 таврида), Котибий (1 татаббуъ), Хожа Салмон Соважий ( 2 татаббуъ), Хожа Камол Хўжандий (4 татаббуъ), Хожа Хасан Дехлавий (2 татаббуъ),

*халафлари*

Абдурахмон Жомий (31 татаббуъ, 8 таврида),

Амир Шайхим Сухайлий (3 татаббуъ), Ахмад Хожибек Вафоий (2 татаббуъ), Шохий Сабзаворий (3 татаббуъ), Соhib Балхий (1 татаббуъ), Сайфий Бухорий (1 татаббуъ), Исмаи Бухорий (1 татаббуъ), Нажмиддин Мухаммад Кохий Миёнколий (1 татаббуъ), Хусайний (2 татаббуъ) каби ижодкорларнинг газалларидан таъсирланиб яратилган.

Девондаги энг кўп татаббуъ Хофиз Шерозий газалларига битилганлигини кузатиш мумкин. Ушбу Шероз Хофизининг ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган

*Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,*

*Ба холи хиндуяш бахшам Самарканду Бухороро*

деб бошланувчи газалига Навоий куйидагича татаббуъ боглаган:

*Гар он турки Хитой нўш созад жоми сахборо,*

*Нахуст орад сўи мо турктози катлу ягморо.*

Таржимаси:

*Ўшал турки хитой жуфт айласа гар жомии сахбони,*

*Чу биздин бошлагай турктозини ул, катлу ягмони [\[2\]](#).*

Мазкур газал аруз тизимининг *хазажи мусаммани солим* (руқнлари ва тактиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V□ □ □ / V□ □ □ / V□ □ □ / V□ □ □) вазнида ёзилган.

Газал мактаъсида Навоий камтарлик билан ўзига мурожаат қилиб, “Хофиз газалларига татаббуъ битиб, унинг жахонни беаган назмидан сен ҳам тиланиб, татиб кўр” деб ёзади:

*Газал гуфтан мусаллам шуд ба Хофиз, шояд, эй Фоний,*

*Намой чошнй дарюза з-он назми жахоноро.*

“Девони Фоний”даги газаллар билан танишар эканмиз, Навоий кашф этган янги бир усулга хам гувох бўламиз. Яъни, шоир баъзан бир газалнинг ўзида икки шоирдан ижодий таъсирланади ва бундай газалларга куйидагича сарлавхалар кўяди: Татаббуъи Мир дар таври Хожа (Хожа Хофиз Шерозий услубида Амир Хусрав Дехлавийга жавоб), Татаббуъи Шайх дар таври Махдум (Абдурахмон Жомий услубида Шайх Саъдийга жавоб) ва х.к.

“Девони Фоний”дан бир **мусаддас** ўрин олган бўлиб, “кошки” радифи асосида яратилган. Мазкур мусаддас Абдурахмон Жомий газалига боғланган бўлиб, яратилиш хусусиятига кўра тасдис хисобланади. Мусаддас 9 банддан иборат бўлиб, жами 54 мисрани ўз ичига олади. Мусаддас ёр (дўст) дийдори тараннумига бағишланган. У куйидаги банд билан бошланади:

*Кардаме дар хоки кўи дўст маъво кошкй,*

*Судаме рухсори худ бар хоки он по кошкй.*

*Омадй берун зи кўи сарви боло кошкй.*

*Буркаъ афкандй зи рўи оламоро кошкй.*

*Дидаме дидори он дилдори раъно кошкй*

*Дида равшан кардаме з-он рӯи зебо кошкй.*

(Мазмуни:

Кошки, дўст кўйи (кўчаси) тупрогидан жой олсам эди.

Кошки, унинг оёги тупроги (изи)га юзларимни суртсам эди. Кошки, у сарвкомат кўчасидан чикиб келса эди.

Оламни безовчи юзидан кошки, пардасини олса эди.

Кошки, у раъно дилдорнинг дийдорини кўрсам эди.

Кошки, кўзимни у зебо юз билан равшан килсам эди).

Мазкур мусаддас аруз тизимининг *рамали мусаммани махзуф* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун □ V□ □ / □ V□ □ /□ V□ □ /□ V□ ) вазнида ёзилган.

Девонда келтирилган **марсия-таркиббанд** шоирнинг устози ва пири Абдурахмон Жомий вафоти муносабати билан яратилган бўлиб, шеърга “Марсияи хазрати Махдум” деб ном қўйилган. Навоий устози вафотига бир йил тўлганда унинг қабри устига катта макбара қурдириб, маросим уюштиради ва ушбу воқеа муносабати билан марсия ёзади. Маросимда мазкур марсияни ўша даврнинг машҳур олимларидан бири Хусайн Воиз Кошифий ўқиб беради. Бу ҳақда Абулвосеъ Низомийнинг “Мақомоти Мавлавий Жомий” асарида маълумот келтирилади. Марсия 7 бандли бўлиб, ҳар бир банд 10 байтни ўзи ичига олади (жами 140 мисра). Бу марсия “Ҳа мсату-л-мутахаййирин”нинг хотимасига ҳам киритилган. Марсия қуйидаги байт билан бошланади:

*Ҳар дам аз анчумани чарх чафое дигар аст,*

*Ҳар як аз анчуми у доғи балое дигар аст.*

(Мазмуни:

Ҳар дам осмон анжуманидан янги бир жафо келади,

Унинг ҳар бир юлдузи янги бир балонинг доғидир)

Ушбу таркиббанд-марсия аруз тизимининг *рамали мусаммани солими махбуни максур* (ру кнлари ва тактиъи: фоилотун фаилотун фаилотун фаилон □ V□ □ / V V□ □ /V V□ □ / V V~ ) вазнида ёзилган.

“Девони Фоний”да **китъа** жанри ҳам алохида ўрин эгаллайди. Девонда жами 64 китъа мавжуд бўлиб, шундан 44 таси 2 байтли, 13 таси 3 байтли, 5 таси 4 байтли ва 2 таси 5 байтли китъалардир. Китъаларда шоирнинг маънавий-ахлокий карашлари, шахсий кузатишлари билан бир каторда шеър ва шоирлик хақидаги фи крлари ҳам ўз ифодасини топган.

*Зи сар то по набошад шеъри кас хуб,*

*Ки ин мумкин набошад хеч касро.*

*Баду нек ар баробар хаст, бад нест,*

*Басе доранд ин неку хавасро.*

*Зи бад гар неки ў бошад зиёда,*

*Надид аз сад яке ин дастрасро.*

*Каломи Хак наёмад жумла яксон,*



*Чи бошад нукта мушти хору хасро.*

(Мазмуни:

Хеч кимнинг шеъри бошдан бир хилда яхши бўлмайди,

Бу деярли мумкин эмас.

Агар яхши-ю, ёмони баробар бўлса, бу – ёмон эмас,

Буни кўпчилик орзу қилади.

Ёмонидан яхшисининг кўп бўлиши

Юздан бир шоирга ҳам муяссар бўлган эмас,

Хакнингки, барча сўзи бир хил бўлмагандан кейин

Биздек хору хасларга (тенгликни) ким кўйибди?)

Ушбу китъа аруз тизимининг *рамали мусаддаси махзуф* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилун □ V□ □ /□ V□ □ /□ V□ ) вазнида ёзилган.

“Девони Фоний”дан 72 **рубойи** ўрин олган. Диккатга сазовор томони, рубойларнинг барчаси тўрт мисраси ҳам ўзаро кофияланувчи таронаи рубойлардир.

*Чонам ба ду лаъли чонфизои ту фидо,*

*Рухам ба насими атрсои ту фидо.*

*Ошуфта дилам ба ишвахои ту фидо,*

*Фарсуда танам ба хоки пои ту фидо.*

(Мазмуни:

Жоним сенинг жон багишловчи икки лабингга фидо,

Рухим сен томондан эсадиган муаттар насимга фидо,

Ошик кўнглим сенинг ишваларингга фидо,

Хаста жисмим оёгинг тупрогига фидо).

Девонда **таърих** жанрига оид шеърлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сони 16 та. Таърих бу муайян воқеа-ходиса ёки инсон ҳаёти билан боғлиқ бирор санани очик айтилмай, араб алифбосидаги харфлар воситаси, яъни абжод усули асосида кўрсатишдир. Шеършунослик илмида таърихга алоҳида шеърий жанр сифатида ҳам, бадий санъат сифатида ҳам қараш мавжуд. Бу иккала қараш ҳам муайян асосга эга. Агар таърих усули қатта ҳажмдаги асарлар: дostonлар, манзумалар таркибида ва кўпинча асарларнинг охирида келса, бу алоҳида жанр бўлмасдан, бадий санъат ҳисобланади (“Юсуф ва Зулайхо”, “Хайрату-л-аброр” дostonларидаги каби).

Девонлар ичида алоҳида мустақил шеър шакли сифатида келтирилган таърихларни жанр сифатида талқин қилиш мумкин. Шу маънода “Девони Фоний” таркибига қирувчи 16 та таърих алоҳида жанр бўлиб, улар қитъа, рубоий ва тўртликлар шаклида яратилган.

Таърихлар мавзусига кўра қишилар таваллуди ёки вафотида доир; муайян биноларнинг қирилишига оид; тахтга қиқиш, фатх ва бирор воқеа-ходиса содир бўлган санага бағишлаб яратилиши мумкин. Алишер Навоий таърихлари, асосан, қишилар вафотида оид (мутаваффиёт) йўналишида бўлиб, ҳазрат Навоийнинг устозлари ва дўстлари Абдурахмон Жомий, Пахлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан Ардашер, Ҳожа Убайдуллох Аҳрор, Султон Маҳмуд каби шахсларнинг вафот санасига бағишланган. Масалан, Абдурахмон Жомий вафотида бағишланган таърихда “ □□□□□□ □□□” – “Ҳудо биёмурзад” жумласи таърих санаси сифатида келтирилади:

*Сарви чамани хаёт Абдурахмон,*

*Кўрафт аз ин дайри фано сўи жинон.*

*Таърихи чунин воқеаи гуссарасон,*

*Гар мехонӣ: “Худо биёмурзад” хон.*

(Мазмуни:

Хаёт чаманининг сарви – Абдурахмон,

бу фоний дунёдан (рухи) жаннатга кетди.

Гам-гусса етказувчи шундай воқеаларнинг таъриhini ўқиганинда: “Худо биёмурзад” – деб ўқи).

Мазкур таърихдаги “**فونىي دىۋان**” – “Худо биёмурзад” жумласидаги харфлар абجد хисобига кўра белгиланганда хижрий 989, милодий 1492 йил келиб чиқади. Ушбу таърих рубоий шаклида ёзилган.

Девони Фоний”дан **муаммо** жанри хам ўрин олган. Муаммоларнинг аксарияти бир байтли, фақат 14-муаммо икки байтдан иборат. Муаммолар девонга муаммонинг жавоби

бошланган харфларнинг араб алифбосидаги тартиби асосида жойлаштирилган. Яъни, дастлаб ечими “  
□” – “алиф” харфи билан бошланувчи исм ёки номлар келтирилади. Масалан, Одам, Амин, Омир ва б. Шу тарзда ечими “

□

” –

“бе”

“

□

” –

“те”

ва бошка харфлар билан бошланувчи муаммолар бериб борилади.

“Хазойину-л-маоний”даги тартибга асосан, муаммонинг жавоби сарлавха сифатида матн бошида келтирилади. Девонда жавоби

“алиф”

билан бошланувчи муаммолар энг катта кўрсаткични ташкил килади. Уларнинг сони 78 та.

“Бе”

билан тугалланувчи муаммолар миқдори эса 46 та. Девонда баъзи харфлар билан бошланадиган муаммолар учрамайди. “Девони Фоний”даги тартибга эътибор қаратиш шуни кўрсатадики, аслида шоир ҳар бир харфга мос ҳолда муаммо яратгану, лекин улар бизгача етиб келмаган ёки жорий нашрлардан ўрин олмаган. Чунки Навоийнинг ўзи “Муҳокамату-л-лугатайн” асарида форсий тилдаги муаммолари сонини 500 га яқин деб кўрсатиб, уларнинг аксарияти Абдурахмон Жомий назарига тушганини айтади. Бу маълумот “Девони Фоний” нусхаларининг ҳеч бири хали тўлиқ мукамал нусха эмаслигини кўрсатади.

“Девони Фоний”да муҳим ўрин тутувчи жанрлардан яна бири **қасида**лардир. Уларнинг сони 10 та бўлиб, икки туркуми: “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурат”) ва “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) қасидалар мажмуасини ўз ичига олади. “Ситтаи зарурия” олти қасидадан иборат бўлиб, Алишер Навоий уларнинг мавзуси ҳақида “Муҳокамату-л-лугатайн”да шундай ёзади: “

Бу

*олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва мавъизотдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат*

”. Мазкур мажмуа 1497 йилда тартиб берилган бўлиб, уни тузишга Навоийни аввал устози Жомий, унинг вафотидан сўнг эса Султон Хусайн Бойқаро илхомлантирган. Бу ҳақда мажмуага ёзилган дебочада маълумот келтириб ўтилади.

Мажмуадаги биринчи қасида “Руху-л-қудс” (“Муқаддас рух”) деб аталиб, 132 байтни ўз ичига олади. Қасиданинг ёзилган санаси матн таркибида таърих йўли билан хижрий 895, мелодий 1491 йил деб кўрсатиб ўтилган. Қасидада илохий тавҳид: оламнинг ягоналиги, ягона абадий ва азалий борлик, Яратганнинг қудрат ва азимати, заррадан коинотгача унинг измида эканлиги мадҳ этилади. Қасида куйидаги байт билан

бошланади:

*Зихй ба хомаи кудрат мусаввири ашё,*

*Хазор накши ачиб хар замон аз ў пайдо.*

(Мазмуни:

Ашёларга сурат берувчи (Аллохнинг) кудратига тасанноким,

Хар замон ундан минглаб ажойиб накшлар пайдо бўлгай).

Ушбу касида аруз тизимининг *муътасси мусаммани маъбуни мактуъ* (рунклари ва тактиъи мафоилун фаилотун мафоилун фаълун V – V – / V V – – / V – V – / – –) вазнида ёзилган.

Мажмуадаги иккинчи касида хажман 106 байт бўлиб, “Айну-л-хаёт” (“Хаёт чашмаси”) деб аталади. Касиданинг яратилган йили номаълум. “Айнул хаёт” олам сарвари, пайгамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг муборак меърожлари, уларнинг дийдорларига барча сайёралар, ойу куёш, аршу курси, фаришталар мунтазир эканлиги, Пайгамбаримизнинг Парвардигор билан мулокотлари тасвирига багишланган. Касида

шундай бошланади:

*Хожибони шаб чу шодурвони савдо афгананд,*

*Чилва дар хайли бутони мохсимо афгананд.*

(Мазмуни:

Тун пардадорлари кора чодирларини ёйган чоғларида

Ой юзли бутлар тўдаси (юлдузлар)га жилва киладилар).

Ушбу касида аруз тизимининг *рамали мусаддаси максур* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилон  $V \square \square / \square V \square \square / \square V \sim$ ) вазнида ёзилган.

Учинчи касида “Тухфату-л-афкор” (“Фикрлар совгаси”) деб номланиб, хажман 99 байтни ўз ичига олади. Шоирнинг “Ситтаи зарурия” деб очасидаги ишоралари ва касида матнидаги таърихдан мазкур касиданинг барча касидалардан олдин, яъни 1476 йилда яратилганлиги маълум бўлади. Касиданинг яратилиш тарихи хақида “Хамсатул мутахаййирин”да батафсил маълумот келтирилган. Касида Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” ва Абдурахмон Жомийнинг “Лужжату-л-асрор” касидаларига жавобан ёзилган бўлиб, дарвешликнинг олий рутбаси – факр тавсифига бағишланган. Бунда факр макоми комилликнинг олий намунаси сифатида мансабдор шахслар, хусусан шохлар ахлокига карама-карши кўйилади. Касидада ушбу гоъининг *тамсил* ва *китобот*

санъатлари воситасида баён килиниши унинг бадий жихатдан етуклигини таъминлаган.

Касида куйидаги байт билан бошланади:

*Оташин лаълеъ, ки точи хусравонро зевар аст,*

*Ахгаре бахри хаёли хом пухтан дар сар аст.*

(Мазмуни:

Подшоҳлар тожидаги кип-кизил лаъл – бошда хом хаёл

пиширувчи (етилтирувчи) бир чўгдир).

Ушбу касида татаббуъ тарзида ёзилганлиги учун унда салафлар касидаларида кўлланилган *рамали мусаддаси максур* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун фоилотун фоилон □ V□ □ /□ V□ □ /□ V~ ) вазни сакланган.

Мажмуадаги тўртинчи касида “Куту-л-кулуб” (“Калблар куввати”) деб аталади. Касида хажман 120 байтдан иборат бўлиб, XII аср форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Авхадиддин Анварий (1105-1187) касидасига татаббуъ тарзида яратилган. Унда дунёнинг бебако ва бевафолиги, фалакнинг золим эканлиги айтилиб, инсонларнинг ана шу ўткинчи, фоний дунёга меҳр кўймай, охират кунини ўйлашлари, рухий маънавий юксалишга эътибор қаратишлари зарурлиги уктирилади. Касиданинг



биринчи байти куйидагича:

*Чахонки, мархалаи танги шохрохи фаност,*

*Дар ў мачўй икомат, ки рохи шоху гадост.*

(Мазмуни:

Жахонким, фанонинг бепоён йўлининг тор бир йўлакчасидир,

Унда абадий яшамокни ўйламаким, бу – шоху гадонинг

(ўтар-кетар) йўлидир).

Касида Анварий касидасида кўлланилган *мужтасси мусаммани махбуни максур* (рукнлар и ва тактиъи:

мафоилун фаилотун мафоилун фаилон V – V –/

V V – – / V – V – / V V ~)

вазнида яратилган.

Бешинчи касида “Минхожу-н-нажот” (“Нажот йўли”) 138 байтдан иборат. Сарлавхада келтирилган номлардан маълум бўладики, у икки форсигўй адиб Анварий ва озарбайжон шоири Хоконий Шервоний (1120-1199) касидаларига татаббуъ тарзида яратилган. Касидада Инсон ва Шайтон муносабатлари, яхшилик ва ёмонлик тасвирлари берилди, жаннатдан бадарга бўлган Одам Ато фарзандлари ва бани башарнинг комил инсонга хос бўлмаган нохуш ва номуносиб ахлокий белгилари

танкид килинади. Касида куйидаги байт билан бошланади:

*Зихй аз шамъи рӯят чашми мардум гашта нуронӣ,*

*Чахонро мардуми чашм омадӣ аз айни инсонӣ.*

(Мазмуни:

Кандай яхшики, юзингнинг шамъи (нуридан)

инсонларнинг кўзи ёриди. Инсонликнинг жавҳари

бўлганинг учун жахон одамларининг кўз корачигига

айланинг).

Касида салафлар касидалари сингари *хазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тактиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V□ □ □ / V□ □ □ / V□ □ □ / V□ □ □) вазнида

ёзилган.

Мажмуанинг сўнгги касидаси “Насиму-л-хулд” (“Жаннат шамоли”) Хоконий Шервоний, Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий касидаларига татаббуъ тарзида вужудга келган бўлиб, 129 байни ўз ичига олади. Касидада инсон покланиши ва комилликка эришиши учун нималар килиши лозимлиги, тарикат одоби ва усуллари, муршид ва мурид муносабатлари, Хак йўлига кирган солиқ олдига кўйиладиган талаблар бирма- бир баён этилади. Бошқача килиб айтганда, Навоийнинг накшбандия тарикати, тасаввуф хакидаги карашлари яхлит бир тизимда ифодалаб берилади. Шу маънода касидани накшбандия тарикатининг ўзига хос дастури, шеърий баённомаси деб айтиш мумкин.

Касиданинг биринчи байти куйидагича:

*Муаллим ишқу пири акл шуд тифли дабистонаш,*

*Фалак дон, бахри таъдиби вай инак чархи гардонаш.*

(Мазмуни:

Муаллим ишқу унинг мактабининг талабаси акл пиридир.

Фалакни унга адаб ўргатиш учун айланиб турувчи чарх деб

бил).

Бу касида ҳам юкоридаги касида сингари *хазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тактиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V □ □ / V □ □ / V □ □ / V □ □ ) вазнида яратилган.

“Девони Фоний”дан ўрин олган иккинчи касидалар мажмуаси “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) деб аталади. Касида 4 қисмдан иборат бўлиб, йил фаслларининг гўзал манзараси тасвирига багишланган. Шоир табиатни тасвирлаш оркали асл максадига эришади:  
замона султони Хусайн Бойқарони мадх этади. Навоий хар бир фасл ва ундаги тасвир усулларини эътиборга олган холда уларда турли вазнларни кўллайди. Хусусан, ёз фаслига багишланган “Саратон” деб номланган касида 71 байтдан иборат бўлиб, шундай бошланади:

*Боз оташи хўр сохт самандар саратонро*

*Афрўхт чу оташкада гулзори жахонро.*

(Мазмуни:

Куёш оташи саратонни яна самандарга айлантирди,

Жахон гулзорини оташкада каби ловиллатди).

Касида хазаж бахрининг энг ўйноки вазни хисобланган *хазажи мусаммани аҳраби макфуфи махзуф* вазни  
(рукнлари ва тактиъи:  
*мафъулу мафойилу*  
*мафойилу*

фаувлун

--

V V -- V

V -- V

V --

)да ёзилган.

Бу вазн рухият тасвири баёнидан кўра кўпрок жисмоний: енгил ва шахдам харакат, шўхчан кайфият баёнига мос келади. Хар икки чўзик бўгиндан кейин икки киска бўгиннинг ёнма-ён келиши ритмга ўйнокилик багишлайди. Ва шунга мос холда мазкур касидада ёзнинг инсонга кўпрок жисмоний таъсири кўрсатилганлигини, хар бир байтда саратон жазирамаси айнан инсон аъзои баданига (рухиятига эмас) таъсир килаётганлигини кузатиш мумкин.

Касидада 27-байтдан Султон Хусайн Бойкаро таърифи бошланади ва “ёзнинг иссигидан панох изловчи кишилар учун Хусайн Бойкаро туги сояси макондир” деган фикр илгари сурилади:

*3-ин гармии хуршед бираст, он, ки, панах сохт,*

*Зилли шарафи рояти Чамшеди замонро.*

(Мазмуни:

Куёшнинг тафтидан панох изловчи киши,

(уни) замона Жамшиди туги соясининг шарофатидан топкусидир).

Мажмуада “Хазон” (“Куз”) фасли таърифи бошланиши билан ундаги шеърий ўлчов ҳам ўзгаради:

*Дигар шуд баҳри санжидан баробар адли давронро,*

*Зи кофўри зи мушк рўзу шаб ду палла мезонро*

(Мазмуни:

Даврон адолатини ўлчаш мезонлари ўзгарди,

тарозунинг бир палласида (кундузнинг рамзи) кофур, иккинчисида (кечанинг тимсоли) мушк тортиладиган бўлди).

“Саратон”да кўлланилган ўйноки вазннинг ўрнини энди салобатли ва сокин охангга эга бўлган *хазажи мусаммани солим* вазни (руқнлари ва тактиъи: *мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V— — — / V— — — / V— — — / V— — —*)

эгаллайди. Чўзик бўгинлар нисбатининг киска бўгинлардан 3 баравар кўплиги охангнинг вазмин чиқишини таъминлайди. Айнан шунга мос холда 33 байтдан иборат бу касидада рухият тасвири, таъбир жоиз бўлса, кузга хос ўйчанлик, махзунлик етакчилик килади.

Мажмуага “Баҳор” кириб келиши билан унга хос яратувчанлик, янгиланиш кайфияти ҳам кириб келади:

*Вазад боди бахор ихъёи амвоти гулистонро,*

*Зи анфоси Масехо тоза созад олами жонро.*

(Мазмуни:

Бахор шамолининг эсиши, гулистон гулларига янгидан хаёт

багишлайди, гўё Масихо нафасидан жонлар оламини янгилайди).

Касидада бахорнинг яратувчанлик хусусияти энди бевосита замон ҳукмдори Хусайн Бойкаро таърифи келтирилган ўринларга кўчади:

*Чу андар хикмати асрори хилкат фикр бигморад,*

*Биёбад ончи, махфй монда Афлотуну Юнонро...*

(Мазмуни:

Яратилиш сирру асрори хикмати хакида фикрлаганда,

Юнон Афлотуни учун ҳам махфий колган сирларни топади).

Нихоят мажмуа йил фаслларининг охири бўлган “Дай” (“Киш”) тасвири билан якун топади. Навоий таъбири билан инсон умрининг поёнига ўхшатиш билан бу фасл “*кишининг ҳам қад била адам йўлига кириб, замон ахли билан хайирбод килиш*” (“Хазойину-л-маоний”даги таъбир) даври бўлиб, касидада Фоний тахаллусининг кўлланилиши шунга ишорадир:

*Ба бўи васл ниҳад рў ба даргахат, Фоний,*

*Чунон ки ахли ибодат ба гўшаи меҳроб.*

(Мазмуни:

Васлинг бўи умидида, Фоний даргоҳингга юзини кўяди,

бу ибодат ахлининг меҳроб гўшасига бош кўйишидекдир).

Касидада фалсафий мушоҳадакорлик билан боғлиқ туйғуларни беришга ниҳоятда мос бўлган *мужтасс* баҳри (руқнлари ва тактиъи: мафоилун фаилотун мафоилун фаълун V



– V – / V V - - / V – V - / - -)нинг кўлланилганлиги шоирнинг юксак бадий салохиятини кўрсатувчи яна бир омилдир.

*Зи даргахи фалак оташ нухуфт дуди сахоб,*

*Даро ба хиргаху оташ фуруз аз маи ноб.*

(Мазмуни:

Фалак чодиридан кўринаётган оташни булутлар пардаси тўсди,

чодирга киргину тиник, кизил майдон оташга зўр бер).

“Девони Фоний” **лугз** (чистон) жанри билан якун топади. Девонда жами 9 лугз келтирилган бўлиб, улар маснавий, китъа ва рубоий тарзида кофияланган. Лугзлар шамъ, микроз (кайчи), парвона, тиргаз (ўк), тахтиравон, кема каби нарса-ходисаларга багишланган. Масалан, шамъга багишланган лугз китъа шаклида ёзилган:

*Чист он нахле, ки баргаш нест, аммо хаст гул,*

*Лек, он гулро бувад андар назар андому барг.*

*Гарча набвад абр, лекин абрсон шуд катрарез,*

*Катра аз вай чун чудо, афтод бандад чун тагарг.*

*Хам кушанду хам бимирад турфа бошад, лек он-к,*

*Куштанаши набвад зи катлу мурданаши набвад зи марг.*

(Мазмуни:

У кандай дарахдурки, барги йўгу, гули бор. Лекин у гулга назар

Килсанг, коматию барги бор. Булут бўлмаса хам булутдек

катралар тўкади. Катралар тушиб дўлдек котиб колади. Кизик,

уни хам ўлдирадилар, хам ўзи ўлади. Ўлдирилиши катлдану

ўлими эса ажалдан эмас).

Чистон рамал бахрининг *рамали мусаммани максур* (рукнлари ва тактиъи: фоилотун  
фоилотун фоилотун фоилон – V – – /– V – –/ –  
V – –/ –

V ~) вазнида яратилган.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Навоий Алишер. Девони Фоний. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000-2003. 18-20 жилдлар.

2. Навоий Мир Алишер. Фоний гулшани (форсийдан Ж.Камол таржимаси). – Т.: MERIYUS, 2011.

3. Комилов Н. Факр нури порлаган калб (Алишер Навоийнинг форсий касидалари). – Т.: Маънавият, 2001.

4. Шодиев Э. Навоий татабуларига оид баъзи мулохазалар: “Девони Фоний” хакида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1997. - № 2.

5. Зоҳидов Л. “Девони Фоний” бадииятига доир мулохазалар // Адабиёт кўзгуси. – Т., 2010. – № 10.

6. Юсупова Д., Куронов С. Навоийнинг форсий касидалари // Жаҳон адабиёти. – Т., 2011.

7. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). –Т.: Фан, 1977.

---

[1] Жамол Камол таржимаси (“Фоний гулшани”. – Б.15)

[2] Жамол Камол таржимаси (“Фоний гулшани”. – Б.92)

**Дилнавоз Юсупова**